

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУРОДОВ ДИЛШОД РАШИДОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ
ЎРТАСИДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ (1991- 2015 йй.)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Холмуродов Дилшод Рашидович

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик
алоқаларининг ривожланиши(1991-2015 йй.).....3

Холмуродов Дилшод Рашидович

Развитие связей взаимосотрудничества между Республикой Узбекистан и
Российской Федерацией (1991- 2015 гг.).....27

Xolmurodov Dilshod Rashidovich

Development of cooperation between the Republic of Uzbekistan and the Russian
Federation (1991-2015)50

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....52

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Таг. 36 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарофов Шамсиддин
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бўриев Очил
тарих фанлари номзоди, профессор

Бабаходжаева Лола Маратовна
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2021.Таг.70.05-рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил “10” 11 соат 9 00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (0375) 225-34-13, факс: (0375) 221-00-56, e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “24” 10 кун тарқатилди (2022 йил “29” 10 даги 10 00-рақамли реестр баённомаси).



Б.Ж.Эшов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Н.Н. Ражабова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
т.ф.н., доцент

Ю.А.Эргашева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сайёрамиз жадал суръатлар билан ўзгараётган, жаҳонда глобаллашув жараёнлари рўй бераётган бугунги кунда инсоният чуқур фундаментал ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Ана шундай шароитда давлатлар ҳамкорликнинг мустаҳкам механизмларини яратишга интилиши табиий ҳол. Шулардан бири барқарор тинчлик ўрнатишнинг муҳим шarti ҳисобланган цивилизациялараро мулоқот бўлиб, у мустаҳкам хавфсизлик ва уйғун ривожланиш, мамлакатлар ва халқлар бир-бири билан мулоқот қиладиган, тажриба ўрганадиган, ўзаро ишончга асосланган ва турли маданиятларни ҳурмат қилиш асосида ривожланадиган дунёни яратишга хизмат қилади.

Дунё мамлакатлари ўртасида турли жабҳалардаги, хусусан, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиб бориши ўзаро манфаатдорликка хизмат қилиши, минтакавий барқарорликни таъминлаганлиги боис, Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида муносиб ўрин эгаллаши билан ўз манфаатларини сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий соҳаларда самарали амалга ошириб келмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон ва Россиянинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга ўтиб, унда ўзаро алоқаларга алоҳида эътиборга молик сиёсий, савдо-иқтисодий, атом энергетикаси, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларни аниқ йўналишлар асосида ривожлантирилиб борилмоқда. “Ўзбекистон ҳудудлари Россия Федерациясининг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон Республикаси, Олтой ўлкаси, Астрахань, Новосибирск, Омск, Самара, Челябинск вилоятлари ва кўплаб бошқа субъектлари билан жадал ҳамкорлик қиладиганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман”¹. Шу боисдан ҳам ўзаро ҳамкорлик масалаларига оид узвий сиёсатнинг амалга оширилишини ҳолисона илмий тадқиқ этиш ва зарур амалий тавсиялар бериш мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалар тўғрисида” (1995), “Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” (2012) Қонунлари, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш” ҳамда “Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони ва соҳага оид бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹ Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик II форуми иштирокчиларига мурожаати. 18.11.2021. <http://uzbekistan-geneva.ch/v-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-v-zbekiston.html>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амлга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлардаги иштироки масаласи тарихий тадқиқотлар тизимида ўрганишдаги янги йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация мавзусига алоқадор бўлган мавжуд илмий адабиётларни қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин: 1) Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яратилган тадқиқотлар. 2) Хорижда нашр этилган асарлар.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимини ўрганиш Совет давридаёқ бошланган бўлиб, собиқ Иттифоқдаги республикалар ўртасидаги алоқалар мустақил шаклга эга эмас эди. Лекин шунга қарамай, муаллифлар мавжуд манбалардан фойдаланган ҳолда, мафкуравий чекловларга қарамай, Ўзбекистонни жаҳон мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишга интиланлигини маълум даражада ёритилган. Бироқ, Республикаларнинг СССР доирасида ҳамкорлик алоқалардаги иштироки чекланган ва Марказ кўрсатмаси билан амалга оширилган. Фақатгина узлуксиз алоқалар маданий йўналишда бўлиб, сиёсий-иқтисодий алоқалар мустақил тарзда олиб борилмаган.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётлар Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёти даврида яратилган илмий тадқиқот ишлари бўлиб, бу йилларида, Ш.Шарипова, В.Норов, М.Бобоҳўжаев, А.Қосимов ва И.Васькин, Р.Шамсутдинов, М.Рахимов, Н.Жўраев² асарларида мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланишида халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятига ҳолис баҳо берилган. Юқоридаги муаллифларнинг тадқиқотларида Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларига ҳеч қандай ваколатларсиз тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида иштирок этаётганлиги, хориж билан муносабатларнинг истиқболлари, дастлабки ютуқлар ва мавжуд муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек Ўзбекистон-Россия Федерацияси ҳамкорлик алоқалари истиқлолнинг дастлабки йилларидан йўлга қўйилганлигига ҳам уларда саҳифалар ажратилган.

Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини тобора ошиб бориши, ҳамкорликнинг самарали ривожланиши, республикамизга чет эл инвестицияларни жалб этилиши, мустақил сиёсий институтларнинг шаклланиши каби масалаларни ўрганишда Э.З.Нуриддиновнинг³

² Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. Т., 1994, С.12. Шамсутдинов Р. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, “Мерос”, 1994, Б. 86; Норов В. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари. Ўзбекистонда ижтимоий фикр. 1994. 9-10 сон; Жўраев Н. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., 2013, Б. 663.

³ Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Т., 2002,- С. 216.

тадқиқотлари биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Э.З.Нуриддинов Ўзбекистон халқаро алоқаларининг ҳуқуқий-меъморий асослари ривожланган Европа мамлакатлари билан иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларнинг тарихий тажрибаси ҳамда сабоқларини манбалар таҳлили орқали очиб беради.

Кейинги йилларда чоп этилган бир қатор мақолаларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги самарали алоқаларнинг айрим соҳалари ўз аксини топган. Жумладан, Ю.С.Флигин, Т.И.Дорошенко, З.Р.Ишонходжаева⁴ каби тадқиқотчиларнинг туркум мақолаларида икки мамлакат ўртасидаги қадимий савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг айрим жиҳатлари ёритилган бўлса, В.Норов, Б.Ғиёсов, В.Арсеньев, И.К.Абатуров, О.П.Кобзева, С.А.Асанова ва Р.Б.Сиддиқов⁵ ва бошқаларнинг мақолаларида икки мамлакат ўртасидаги сиёсий-иқтисодий алоқалар ҳамда илм-фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик масалалари имкон қадар очиб берилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора кириб бориши билан Россия Федерацияси ҳамкорлигида янги истикболлар очилди. Ушбу жиҳат тадқиқотчилар нигоҳидан четда қолмади.

Бу ўринда, Т.И. Дорошенко, С.Шаропова, А.Г. Холлиев, Э.З.Нуриддинов, Х.И. Бекмуратов, Н.Ш. Зиёмов, Н.О. Ғофуров, Ғ.Р.Мирзаев, А.Б. Султонов, Р.Б. Асадова, И.Бекмуратов⁶ каби олимларнинг

⁴ Флигин Ю.С. Туркестанский край: Российско-Узбекистанские связи контексте многовекового исторической ретроспективы (Материалы международной научной конференции. Т., 2013. Дорошенко Т.И. Из истории торговых связей Средней Азии с Россией в XVI-XVIII вв. Материалы международной научной конференции. Т., 2016. – С. 72-81 .

⁵ Норов В. Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг устувор жиҳатлари. -Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т., 1996. № 11-12. Ғиёсов Б. Ўзбекистон дипломатиясини илк қадамлари. “Гулистон” Т., 1996. №4. 50-51 б. Арсеньев В. Международный транспортный коридор «Север-Юг», -Азия и Африка сегодня, Москва, 2003. №5, С. 28-31. Абатуров И.К. Ташкентскому саммиту Шанхайский организации сотрудничество и экономическому обозрению». 2004. №5. С. 4. Кобзева О.П. Третий «Шелковый путь» перспективы Узбекистана и России Материалы Международной научной конференции. Т., 2016, С. 102-107. Асанова С.А. Исторические аспекты стратегического партнёрства Узбекистана и России в области добыча углеводородов. Материалы международной научной конференции. Т., 2016, С. 5-12 . Сиддиқов Р.Б. Российские образовательные стандарты и опыт их применения в системе высшего образования Узбекистана. Материалы международной научной конференции. Т., 2017, С. 296-300.

⁶ Дорошенко Т.И. Международные связи общественных организации Средней Азии (Опыт истории 20-е годы): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1993. С. 170. Шаропова С. Основные проблемы становления и развития внешней политики Республики Узбекистан., Автореферат. Дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент: ТГИВ, 1997. Холлиев А.Г. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США. - дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент: 1998. С. 177; Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление развитие, проблемы: Дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент ИИ АН РУз, 2000. С. 305. Бекмуратов Х. И. Ўзбекистон Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги (1991-2000 йй) Тарих фан.номз. диссерт.авторефер. Тошкент: УЗМУ, 2001 Б. 26. Зиямов Н. Роль Узбекистана в развитии межгосударственного экономического и культурного сотрудничества стран Центральной Азии (1991-2001 гг): Автореферат Дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент: НУУз, 2002 С. 26. Мишарев Д. Экономические научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Германией. Дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент НУУ, 2004 С. 169.; Табак.Г.А. Роль культурных и исторических традиций во внешней политике Республики Узбекистан: Дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент: УМЭД, 2004. -191 л.; Махкамова Д.А. Узбекистан в системе международных культурных связей (особенности и закономерности исторического развития). Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: УМЭД, 2005. С. 147.; Якубов Ў. Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий алоқалари. (географик жиҳатлари). Геогр.фан.номз... дисс –Тошкент: ЎЗМУ, 2005. Б. 141; Султанов А.В. История сотрудничества Узбекистана со странами Европы в гуманитарной сфере 1991-2001 гг. (на примере Австрии, Германии, Швейцарии): Дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент: НУУ, 2006. С. 173. Асадова Р.Б.

диссертацияларида мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Ер юзидаги турли мамлакатлар билан ҳамкорлик масалалари илмий жиҳатдан ўрганилди. Бироқ кўрсатилган илмий тадқиқотлар орасида айнан Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлари алоҳида диссертация мавзуси мавжуд.

Таҳлил этилган, илмий ишларнинг қийматини пасайтирмаган ҳолда шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларига тегишли материалларни ўрганиб чиқишимиз жараёнида қўлга киритилган натижалар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, уларда мазкур масала тадқиқот объекти сифатида ҳамкорликда махсус ўрганилмаган.

Хориж олимларининг асарлари таҳлил қилинар экан, бу йўналишда рус, тожик, қирғиз тадқиқотчилари ҳам ХХІ аср бошларида ўз тадқиқотларини эълон қилганликлари кўзга ташланади. Бу йўналишда С.Акимбоев, В.М.Кривошеев, А.А.Куртов, А.А.Препелкин, Г.Р.Мирзоев, Л.Н.Лискова, А.П. Циганков, А.Д.Богатуров⁷ ишларини кўрсатиш мумкин.

Мазкур муаллифларнинг тадқиқот ва асарларида Россия-Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларига оид маълумотлар учрайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика университетининг илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2015 йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари ривожланишини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги аниқ вазифалар белгилаб олинди:

Ўзбекистон-Россия ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиши, ҳуқуқий-меъёрий асослари ҳақида маълумот бериш;

иккала мамлакат ҳамкорлик алоқаларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий асослари ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш;

Ўзбекистон – Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик: тарихий асоси ва замонавий ҳолати (1991-2001 йй). –Тарих фан.номз. ...дис. –Тошкент: Ўз ФА Тарих институти, 2007. Б. 162; Рахимбоева В. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи (1944-2001 йиллар ТИВ мисолида). Тарих фан.номз. ...дис. –Тошкент, 2007. Б. 142; Усаров Ф Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик Малайзия давлати мисолида: 1991-2005 йиллар). Тарих фан.номз... дисс.автореф. –Тошкент: ЎзМУ, 2010. Б. 32. Гафуров Н.О. Ўзбекистон Республикасининг Хитой халқ Республикаси билан иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги 1991-2001 йиллар) Тарих фан.номз..дисс.автореф. –Тошкент. ЎзМУ, 2011; Акимов А. Россия и Центральная Азия: Курси экономические интеграци. М.: “Восток” (Ориент). 1994. № 4; Акимбеков С. Российский политика в Центральной Азии (состояние преспективи). М.: 2000. Т. 5. № 5; Кривашеев В.М. Россия и Средняя Азии. Истории Россия. Россия и восток. СПб. “Лексикон”. 2002; Куртов А.А., Препелькин А.А. Международно-правовая база двухстаронного сотрудничества Российски Федерации И Республика Узбекистан.-Узбекистан: обретенного обрика. В.2-х тома. Под. ред. Е.М.Кожокина. М.1998. Т-2. С. 7-10.

⁷ Мирзоев Г.Р. Преодоление конфликтной ситуации в республике Таджикистан. Россия и восетинование мира (90-годы ХХ в).-автореф.дисс.... на соисе. Канд.ист.наук, Москва-2004. С. 37; Лыскова Л.Н. Этнополитические процессы в Центрально азиатском регионе в условиях нового миропорядка. Автореф.дисс.на соисе канд. Полит.наук.-Бишкек.-2007. С. 21; Сиганков А.П. Международные отношения: теории, конфликты, движения, организации.-Москва, 2011. С. 336; Богатуров А.Д. Меэдународные отношения в Центральной Азии: события и документи.-Москва.-2011. С. 849.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлар жараёнидаги иштирокида Россия Федерацияси эгаллаган мавқе ва ўрнини кўрсатиш;

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқларининг тарихий тажрибасини баён этиш;

икки давлат - Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дипломатик ва сиёсий ҳамкорлигининг тинчлик барқарорлигини мустаҳкамлашдаги ролини очиб бериш;

икки мамлакатнинг олий таълим ва маданий алоқалардаги иштироки масалаларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари танланган.

Тадқиқот предметини Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси билан МДҲ ва Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти доирасида ҳамда ўзаро савдо – иқтисодий, дипломатик ва ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий изчиллик, миқдорий-хронологик ёндашув, аналитик қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, объектив ёндашув каби илмий-тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан узок муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратилганлиги, бугунги кунга келиб икки томонлама алоқаларнинг 337 тага етган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлардан иборат шартномавий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишга эришилганлиги, мавжуд келишувлар ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни нафақат тезроқ амалда рўёбга чиқариш, балки истиқболли йўналишларда ҳам ҳамкорликни кенгайтирилганлиги аниқланган.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги учун рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳаси ниҳоятда истиқболли йўналиш ҳисобланиб, мазкур соҳада белгиланган мақсадларни биргаликдаги саъй-ҳаракатлар асосида амалга ошириш учун рақамли иқтисодиёт, технопарклар фаолиятини йўлга қўйиш, почта алоқасини такомиллаштириш, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар малакасини ошириш ва IT-мутахассисларни тайёрлаш жабҳасида ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор қўйилганлиги статистик маълумотлар асосида далилланган.

Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий ўқув юртлари филиалларини очиш тўғрисида 100 дан ортиқ шартнома имзоланиб, таълим соҳасига эътибор икки давлат раҳбарларининг доимий диққат марказида эканлиги, узок йилларга мўлжалланган маданий ва гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури, Жиззах вилоятидаги Суффа платосида йирик радиотелескоп ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш, Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институти филиали, Тошкентда Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт академияси ва Россия давлат нефть ва газ университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти ҳамда Россия Миллий илмий-тадқиқот ядро университети Москва муҳандислик физикаси

институти филиалларини ташкил этиш тўғрисида келишувларлар имзоланганлиги далилланган.

Миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш масалаларида Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан мустақкам йўлга қўйган ҳамкорлиги кенг қамровли йўналишларда, хусусан, тинчлик ва барқарорликни мустақкамлаш, терроризм ҳамда экстремизм, оммавий қирғин куроллари тарқалиши, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси, янги таҳдидлар ва хатарларга қарши курашиш бўйича ўзаро фаол алоқаларни йўлга қўйганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин қўшни ва бошқа давлатлар билан барча соҳадаги ўзаро ҳамкорликларни ривожлантиришда аввало ҳуқуқий асоснинг яратилиши, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан ишончли ҳамкор давлат сифатида барча соҳадаги алоқаларни ривожлантирилиши, республикамизда ва Россия Федерациясида фаолият юритаётган турли ташкилот ва муассасалар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимининг барпо этилиши, барча соҳаларда кадрлар тайёрлаш муаммосининг долзарб аҳамият касб этиши ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг давом эттирилиши, минтақавий ва халқаро хавфсизлик йўналишларида ҳамда жаҳондаги экологик вазият ва уларни ҳал этишнинг йўналишлари, шунингдек, иккала давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тарихига оид ҳисобот, статистик маълумотлар, даврий нашрларни аниқлаш ва таҳлил қилиш асосида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида турли давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари тарихини ўрганишнинг назарий-методологик жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўйилган вазифалар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ўзаро ҳамкорлигини ёритишда ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиш динамикаси, ютуқ ва муаммоларига доир архив ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви, тегишли ташкилотлар жорий архивларида, кутубхоналарда сақланаётган соҳага оид ҳисоботлар ва адабиётлар, даврий нашр материаллари асосида ёзилганлиги, оғзаки суҳбатлар ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Жумладан, ҳозирги замон тарих фани тадқиқотчилари томонидан эътироф этилган замонавий ёндашувга асосланганлиги, шунингдек, янги илмий адабиётлар, соҳага доир қонун ва қарор ҳужжатлари ва бошқа фанлар тадқиқотларидан фойдаланилганлиги, қўлга киритилган натижаларнинг ваколатли органларнинг тасдиқлагани ва хулоса, таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг жаҳондаги мамлакатлар билан интеграциялашувга йўл очган ташқи сиёсат тамойилларининг

ривожлантиришга оид тадқиқот усуллари ва Россия Федерацияси билан ўзаро ҳамкорлик тарихига доир маълумотларни кенгайтиришга ҳамда ўрганишга оид илмий хулосалар ва ёндашувларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон мустақиллик йилларининг дастлабки давридаги Россия Федерацияси билан ўзаро ҳамкорлик ҳолати, ўзгаришлари, муаммолари тарихий нуқтаи назардан ҳолисона, ҳаққоний ёритилганлиги, хулоса, тавсия ва таклифларидан мазкур соҳа билан боғлиқ фанлардан ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари тайёрлаш ҳамда халқаро ҳамкорлик соҳасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқишда бевосита қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўзаро дўстлик ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратилганлиги, бугунги кунга келиб икки томонлама алоқаларнинг 337 тага етган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлардан иборат шартномавий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишга эришилганлиги, мавжуд келишувлар ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни нафақат тезроқ амалда рўёбга чиқариш, балки истиқболли йўналишларда ҳам ҳамкорликни кенгайтирилганлиги каби жиҳатларни илмий ва архив материаллари асосида ёритиш масалалари акс этган тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси “O’zbekiston” телерадиоканали ДУК кўрсативларини сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (2021 йил 4 мартдаги O’z/R-S-23-21-сон маълумотномаси). Натижада телетомашабинларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликнинг ривожланишига бағишланган таҳлилий фикрлар ва назарий хулосаларни шакллантиришга хизмат қилган.

Ўзбекистон ва Россия Федерациясининг маданий ҳамкорлиги, Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик сиёсати каби масалалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги фаолиятига татбиқ этилган. Диссертация натижалари ва материалларидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон-Россия ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари ҳақидаги маълумотлардан илмий манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаментининг 2021 йил 17 июндаги маълумотномаси). Ушбу натижалар орқали Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон – Россия ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилинишида маълум даражада хизмат қилган.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги учун рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳаси ниҳоятда истиқболли йўналиш ҳисобланиб, мазкур соҳада белгиланган мақсадларни биргаликдаги саъй-ҳаракатлар асосида амалга ошириш учун рақамли иқтисодиёт, технопарклар фаолиятини йўлга

қўйиш, почта алоқасини такомиллаштириш, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар малакасини ошириш ва IT-мутахассисларни тайёрлаш жабҳасида ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор қўйилганлиги статистик маълумотлардан радиоэшиттириш сценарийсини тайёрлашда фойдаланилди (“O’zbekiston” телерадиоканали давлат муассасасининг 2022 йил 23 февралдаги 04-36-455-сон маълумотномаси). Бу эса радиоэшиттирувчиларга рақамли иктисодиёт, технопарклар фаолиятини йўлга қўйиш, почта алоқасини такомиллаштириш, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар малакасини ошириш ва IT-мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ маъмуотларни шакллантиришга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий конференция ва семинарларда, жумладан 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами: 15 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг тадқиқот асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та (4 та республика ва 2 та хорижий журналлар) мақолалар нашр этилган.

Диссертация ҳажми. Тадқиқот кириш, учта та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар руйхати ҳамда илова қисмларидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига таъсир кўрсатадиган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва субъекти, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларининг ишончлилиги илмий ва амалий аҳамияти, ишнинг амалга жорий қилиниши, ва аботкаси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик алоқаларининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши**” деб номланган. Мазкур бобда аввало бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари билан кўп томонлама ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйганлиги, шу жумладан республикамизнинг Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатганлиги ва уни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келаётганлиги ёритиб берилган. Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга ошириш йўллариини белгилашга негиз қилиб олинган принциплардан бири: “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлили ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик асосида қурилади”, -деб белгиланган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Россия биз учун ҳам ишончли стратегик шерик ва ишончли бўлиб келган ва бундан

кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Б из тарихимиз муштараклигини, манфаатларимиз, маънавий ва маърифий илдизларимиз бирлигини ҳеч қачон унутмаймиз”⁸.

Россия Федерацияси 1992 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикаси суверенитетини тан олиб, ўзаро дипломатик муносабат ўрнатди. Икки давлат умумэтироф этган халқаро ҳуқуқ меъёрлари: БМТ Уставининг мақсадлари ва қоидаларига, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрларга, Хельсинки яқунловчи актининг ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш бошқа ҳужжатларининг қоидаларига сўзсиз содиқ эканлигини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31 август ва РСФСРнинг Давлат суверенитети ҳақидаги 1990 йил 12 июнь Декларациясига асосланиб икки мамлакат делегациялари ўртасидаги музокараларнинг яқунлари юзасидан Ахборот имзоланганди.⁹

1991 йил 26 октябрда савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тўғрисида шартнома имзоланди. 1992 йил 20 мартда Украинанинг пойтахти Киев шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол имзоланган бўлса, 1992 йил 5 майда Москвада Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисидаги шартнома имзоланди¹⁰. 1992 йил 30 майда “Давлатлараро муносабатлар: дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги шартнома имзоланди. 1992 йил 22 июлда эса Тошкентда Бош вазир А.Шохин бошчилигидаги Россия Федерацияси ва Ўзбекистон делегацияларининг музокараларида Ўзбекистон-Россия муносабатларини ривожлантиришга алоқадор кўшма ахборот ҳужжати имзоланди¹¹. 1993 йил 19 мартда молия-кредит, маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот алмашиш, геодезия ва картография, автотранспорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган бўлса, 1993 йил 11 ноябрда эса Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг солиқ хизматлари ўртасида битим имзоланди¹².

1995 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисида Меморандум¹³, 1996-1997 йилларда эса иқтисодий ҳамкорликнинг сиёсий принциплари ва йўналишлари тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди¹⁴.

Бу каби ҳужжатлар икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларининг кафолати бўлди. 1992-1995 йиллардаги турли даражадаги учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар икки давлат муносабатларига пойдевор бўлди.

⁸ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I-жилд. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017., Б.381.

⁹ “Халқ сўзи” газетаси 1991 йил 29 октябрь.

¹⁰ Ўзбекистон Миллий Архиви, М-7-фонди., 1-рўйхат, 337-йиғма жилд 7-варақ.

¹¹ Ўзбекистон Миллий Архиви, М-7-фонди., 1-рўйхат, 337-йиғма жилд 6-7-варақ..

¹² Акмал Хўжа. Ўзаро манфаатдорлик йўли. // «Халқ сўзи», 1994 йил, 5 март.

¹³ Дўстона муносабатлар равнаки. // “Халқ сўзи”, 1995 йил, 28 июль.

¹⁴ Ўзбекистон Миллий Архиви, М-27-фонди., 2-рўйхат, 17-йиғма жилд 119-варақ.

1997 йилнинг 22-23 декабрь кунлари Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Виктор Черномирдиннинг Ўзбекистонда бўлиши икки давлат ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида илмий техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди¹⁵. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида XX асрнинг 90-йилларида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1998, 2001, 2004 йилларда Россияга қилган ташрифида, Россия Президенти В. Путиннинг 2000 ва 2003 йилларда Ўзбекистонда бўлган вақтда тўпланган кўплаб ҳужжатлар ҳамкорликка асосланган ҳолда хизмат қилди. 1998-2007 йилларга мўлжалланган икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида шартнома тузилди¹⁶. 1998 йил октябрда 1998-2007 йилларда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида шартнома имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақида сўз борганда, аввало 2005 йилнинг кузида имзоланган Иттифоқчилик шартномасини қайд этиш лозим. Энг муҳим ютуқларимиздан бири шундаки, 1995 йилдаёқ Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришди. 2015 йилда республикада йилига 60 млрд. кубометр табиий газ ҳамда 6 млн. тоннага яқин суюқ углеводородлар ишлаб чиқарилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2003 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд 491,1 млн АҚШ долларига етди. Икки давлат ишбилармонларининг ҳамкорлиги туфайли Ўзбекистонда 520 та кўшма корхона барпо этилди. Улар орасида Россия фирмалари 100 % билан кўшма корхоналар мавжуд. Россиянинг саноат 40 та корхонаси, жумладан, “Агросаноат”, “Автоваз”, “Зарубежнефтгаз”, “ЛУК ойил” каби корхонлар мавжуд. Икки мамлакат диаспорасининг иқтисодий ҳамкорлиги узлуксиз ривожланди.

2012 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12,6 фоиз ўсди ва 7,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 1992 йилдан то ҳозирги вақтгача икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган 200 та халқаро шартнома ҳамда 45 тадан зиёд икки ёқлама ҳужжатлар имзоланган¹⁷. **Мустақиллик йилларининг чорак асри давомида Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳалари бўйича ҳуқуқий асослар яратилди ва мустаҳкамланди.**

¹⁵Ўзбекистон Миллий Архиви, М-37-фонди., 1-рўйхат, 4948-йиғма жилд 135-136 варак.

¹⁶Ўзбекистон Миллий Архиви, М-37-фонди., 1-рўйхат, 4948-йиғма жилд 135-варак.

¹⁷Архив материаллари ҳамда матбуотда эълон қилинган материаллар асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди. 2021 йил декабрь

2004 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида “стратегик шериклик тўғрисида”ги шартнома тузилди. 2005 йил 14 ноябрда Москвада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий муносабатлар тўғрисида шартнома имзоланди.

1995 йил 27 июнь куни Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири, кейинчалик Россия ҳукумати раиси бўлиб ишлаган Евгений Примаковнинг Ўзбекистонга кетма-кет ташрифлари,¹⁸ 1998 йил 11-12 октябрь кунлари Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлиши¹⁹ ёки 1999 йил 10-11 декабрь кунлари Россия ҳукумати Раиси, ҳозирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг расмий ташрифи Россиянинг Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли шерик сифатида ҳамкорлик қилишга қаратилган сиёсат юритиш йўлига узил-кесил ўтиб олганлигини кўрсатади.

2001 йилнинг 3-5 май кунлари Россия дипломатияси амалиётида содир бўлмаган воқеалар юз берди. 2001 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Рушайлони қабул қилди²⁰. Икки мамлакат расмий доираларининг 2002 йил 9 январда ва 2003 йил 6 августдаги Ўзбекистонда олиб борилган музокараларда минтақавий ва халқаро сиёсий масалаларда қарашлари мутаносиб келганлиги қайд этилди. 2006 йил 14-15 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Демократик институтлар ривожланиши ва жараёнлари аҳволи ҳамда истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси” мавзuidaги халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди²¹. Халқаро давра суҳбати давомида Ўзбекистон ва Россия экспертлари ҳамда таҳлилчиларнинг “Ўзбекистон ва Россия фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг аҳволи ва истиқболлари”, “Демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш масалалари” каби мавзулар бўйича очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Ташқи сиёсий маҳкамалар ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилди. Россия Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров 2012 йилнинг 5 апрелида ташриф билан Тошкент шаҳрида бўлди. Ўзбекистон ва Россия ўртасида имзоланган қарийб 170 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идораларааро ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этди²². 2013 йил 14-15 апрель кунлари Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин Ўзбекистонга ташрифи доирасида икки давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар²³.

2014 йил 10 декабрь куни Россия Федерациясининг Президенти Владимир Путин расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

¹⁸Ўзбекистон Миллий Архиви, М-37-фонди., 2-рўйхат, 17-йиғма жилд 118-120-варақлар.

¹⁹ Ўзбекистон Миллий Архиви, М-7-фонди., 2-рўйхат, 80-йиғма жилд 39-варақ.

²⁰Оқсаройда қабул., // «Халқ сўзи», 2001 йил, 20 сентябрь.

²¹Ўзбекистон ва Россия сиёсатшунослар мулоқоти., // «Халқ сўзи», 2006 йил, 14 ноябрь.

²²Тинчлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик. «Халқ сўзи», 2013 йил 13 апрель.

²³Ўзаро муносабатларни янги амалий мазмун билан янада бойитиш йўлида. «Халқ сўзи», 2013 йил 16 апрель.

Кўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида этибор қаратилди. Икки давлат бундай таҳдидларнинг ўз вақтида олдини олиш ҳар қандай шакл ва кўринишдаги терроризм ва экстремизм ғоясини қабул қилмаслик муҳитини яратиш, уларни пайдо бўлиш ва тарқалишини сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни давом эттириш зарурлигини баён этдилар²⁴.

Мустақилликка эришгандан сўнгги даврларда Ўзбекистон ва Россия ўртасида 160 дан ортиқ халқаро шартнома ва 40 дан зиёд кўшма ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нуфузори ташкилотлар БМТ, МДХ, ШХТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерациясининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасидаги ҳамкорлигининг ривожланиши борасида гап кетганда Ўзбекистон ШХТга аъзо бўлган даврдан буён (2001 йил 15 июнь)²⁵ бу ташкилотни минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган воқелик эканлигини англаган ҳолда фаол иштирокчиси бўлиб келмоқда.

2001 йилнинг 6-7 апрель кунларида “Шанхай бешлиги” миллий координаторларининг навбатдан ташқари йиғилиши Олмаотада (Қозоғистон) бўлиб ўтди. 2001 йил 15 июнда Шанхайда иштирокчи давлат раҳбарлари “Шанхай бешлиги” механизмини янада юқори даражага кўтаришга келишиб олдилар ва энди бу механизм янги шароитда олти давлат ҳамкорлиги ривожланишининг муҳим асоси бўлди. Шу мақсадда олти давлат раҳбарлари (ташкилотга Ўзбекистон ҳам аъзо бўлди)²⁶ ШХТни тузиш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар ва янги минтақавий ташкилот – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тузилганлигини эълон қилдилар.

Фикримизча, энг аввало, ШХТ геосийёсий интеграциясининг Янги модели яратилди. Географик нуқтаи назардан ШХТ деярли бутун Евроосийё китъасига ёндашиб, Шарқда Тинч океанидан то Ғарбда Болтиқ денгизигача, конфессионал нуқтаи назардан эса учта қадимий маданият ўчоқларини бирлаштиради: конфуцийлик, православ ва ислом. Маълумки, бугунги кунда 2004 йилдан бошлаб Пекинда ШХТ Котибияти фаолият кўрсатадиган муҳим механизм яратилди. ШХТга Хавфсизлик кенгашлари котибларининг мунтазам равишда учрашувлари ўтказилмоқда.

2014 йил 11 сентябрда Душанбе шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда томонлар турли соҳалардаги ўзаро мусобақаларнинг бутунлик ҳолатини муҳокама қилди. Ушбу лойиҳа Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилди. Россиянинг Уфа шаҳрида 2015 йилда бўлиб

²⁴ Стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш йўлида. «Халқ сўзи», 2014 йил 11 декабрь.

²⁵ Бу ўринда ШХТнинг тузилиши, фаолият йўналишлари ҳақида изоҳ бериш керак (1996 й. Т., 2001 йил 15 апрель Ўзбекистон аъзо бўлиб кирган). ШХТ олий органи саммити.

²⁶ Ўзбекистон ва ШХТ: тараққиёт йўлида ҳамжихатлик, хавфсизлик ва барқарорлик. Инсон ва қонун. 2016 йил 29 март.

ўтган ШХТ мажлисида Ўзбекистон Биринчи Президенти шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замоннинг муаммоларини ҳал этишда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётини таъминлашда ШХТнинг таъсири ва нуфузи ошиб бораётганлиги ҳамда ташкилот сафининг кенгаётганлигини яна бир бор қайд этиб ўтди.

Хуллас, 1991-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар, иқтисодий, ўзаро ҳамкорлик алоқлари мустаҳкамланиб, ўзининг ижобий самарасини берди.

Диссертациянинг “Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларининг ривожланиши” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан МДХ доирасидаги иқтисодий алоқалари, савдо-иқтисодий ва ёнилғи энергетикаси соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳолати таҳлил этилган. Мамлакат миллий иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида интеграциялашув жараённинг кучайиши қуйидагилар, яъни; МДХ мамлакатлари бозорларидан узоқ хорижий мамлакатлар, биринчи навбатда, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларга йўналишнинг ривожланиши, мамлакат импорти таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари (биринчи навбатда буғдой) ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг қисқариши, тарихан қисқа муддатда Ўзбекистоннинг дон ва энергетика мустақиллигига эришиши; импорт умумий ҳажмида машина ва жиҳозлар ҳиссасини ортиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида 1994 йил 2 мартдаги Шартнома, шунингдек, “МДХнинг ҳамкорлиги” тўғрисидаги ҳуқуқий асосли ҳужжатлар қабул қилинган эди²⁷.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари билан, жумладан, унинг аъзоси Россия Федерацияси билан иқтисодий алоқаларни узлуксиз, муттасил ривожлантириш стратегияси йўлини тутди. Россия билан чамбарчас боғланмай туриб саноат билан боғлиқ масалалари ҳал қилиш катта иқтисодий қийинчилик туғдирарди. Республика раҳбарияти Россия ва бошқа МДХ мамлакатлари билан экспорт ва импорт масалаларини муваффақиятли ривожлантирди. Республика ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт ҳажмининг географик таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, мамлакат ташқи савдо айланмасининг деярли 4/3 қисми Россия ҳиссасига тўғри келарди, 26,0 фоизи эса қолган барча МДХ мамлакатлари ҳисобига тўғри келган²⁸.

МДХ доирасида Россия билан XXI аср бошларида умумий қиймати 1,7 миллиард долларни ташкил этадиган 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. “Фарғонаазот” ва “Максам-Чирчиқ” очик акциядорлик жамиятларида йирик аммиак агрегатларнинг реконструкция ва модернизация қилинишида 500 КВли “Ғузор” кичик станцияси ва “Сурхон” кичик станцияси юқори вальютли линияси қурилишида, Помуқ ва Денгизкўл сиқиш компрессор

²⁷ Ўзбекистон Миллий Архиви, М-37-фонди., 2-рўйхат, 174-йиғма жилд, 122-варақ.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

станцияларининг барпо этилишида, Кўнғирот компрессор станциясидаги газ намини қочириш қурилмаси, Қарши каскади насос станцияларининг реконструкция қилиниши, Олмалиқ тоғ металлургия комбинатини комплекс модернизация қилиш каби лойиҳаларда МДХ доирасида Россиянинг хиссаси катта бўлди. Янги “Ангрен” кўмир конини модернизация қилиш орқали Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1-5-сонли энергия блокларини йил бўйи кўмир асосида ишлаш тизимига ўтказилишида Россия билан ўзаро МДХ доирасида ҳам ҳамкорлик қилиш кўзланган натижани берди. Россиядан метал харид қилиш ҳисобидан Навоий, Қарши иссиқлик электр станциялари жиҳозланди ва улар реконструкция қилинди. Қарши магистрал каналини жиҳозланишида, таъмирланишида асосий ускуналар, механизмлар ва жиҳозлар Россиядан олиб келиб ўрнатилди²⁹.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотларига кўра, 2013 йилда республикада Россия капитали иштирокидаги низом жамғармаси 800 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 1000 та қўшма ва чет эл корхоналари фаолият юритди. Шулардан 171 та корхона 2007 йилда тузилган (127 таси қўшма корхоналар). 2005-2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида 127 та Россия фирмалари ва компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган³⁰.

Иқтисодий соҳанинг яна бир тармоғи бу Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги самолётсозлик ва авиация соҳасидаги ҳамкорликдир. 1991-2000 йиллар оралиғида икки мамлакат ўртасида мазкур соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга МДХ доирасида алоҳида аҳамият берилди³¹. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан МДХ доирасида иқтисодий ҳамкорлик алоқалари йил сайин ривожланиб борди. Ушбу жараён 2016 йилдан сўнг янада кучайди. Бу соҳадаги ҳамкорлик ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодиёти истиқболини очиб бермоқда.

1993-1995 йилларда икки мамлакат доирасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ўзаро савдода билвосита солиқ олиш тамойиллари, контрабанда ва божхона қонунбузарлигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб- қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгиллаштириш ва соддалаштириш, иқтисодий соҳада 1995-2000 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинди³².

Беш йил давомида Россия Федерацияси томонидан Ўзбекистонда 48 та қўшма корхона бунёд этилган бўлиб, шулардан 12 таси шерикчилик асосида, қолганлари Россия саноатининг филиаллари эди³³.

2005-2010 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида кооперацияни мустақамлаш жараёнлари билан боғлиқ алоқалар

²⁹ Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2001, Б. 297-298.

³⁰ МДХ мамлакатлари бозорига экспорт қилиш. Т., 2009, Б. 34.

³¹ Ўзбекистон Миллий Архиви, М-37-фонди, 2-рўйхат, 174-йиғма жилд 186-варақ.

³² Ўзбекистон Миллий Архиви, М-37-фонди, 2-рўйхат, 174-йиғма жилд 118-варақ.

³³ Ўзбекистон Миллий Архиви, М-37-фонди, 2-рўйхат, 4948-йиғма жилд 113-варақ.

кенгайди. Айни пайтда бу соҳада “Балтимор”, “Черкизово” ва бошқа йирик сармоядор Россия компаниялари билан ташкил этилган тўққизта кўшма корхона фаолият юритмоқда. “Бим Билл Дан” компанияси “Тошкентсут” бирлашмасининг 77 фоиз акциясини сотиб олиш тўғрисидаги шартномани имзолаб, сут маҳсулотлари ва мева шарбатини ишлаб чиқаришга 20 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритди.

2004 йил октябрда Москва шаҳрида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг еттинчи мажлиси бўлиб ўтди³⁴.

Ўзаро товар айирбошлашга келсак, 2005 йил якунига кўра савдо ҳажми 2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган эди. 2005 йилнинг шу даврида Ўзбекистон Республикасининг товар айланмаси 21,7 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келган бўлса, бу мамлакатга экспорт ҳажми 41,6 фоизга кўпайди ва 1026,5 млн. долларга етди³⁵. Россияда импорт ҳажми эса 12,7 фоизга ошди ва 1034 млн. долларни ташкил этди. 2006 йилда товар айирбошлаш кўрсаткичи 42 фоизга ўсиб 3 млрд АҚШ долларини ташкил этди³⁶.

2014 йилда Ўзбекистонда Россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 860 та кўшма корхона фаолият юритди. Уларнинг 150дан ортиғи тўла ушбу мамлакат сармояси асосида тузилганди³⁷. 2015 йилда Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 фирма ва кўшма корхона фаолият юритди. Мамлакатимизда Россиянинг 85 та фирма ва компанияси ваколатхонаси очилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу соҳадаги кўрсаткич 7,9 фоизга ошди, инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланди.

Ёқилғи-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасида изчил ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим бўғинини ташкил этади. “Газпром” дунёнинг йирик компанияларидан бири ҳисобланиб, жаҳондаги қазиб олинаётган табиий газнинг 20, Россияда эса 94 фоиз улуши унинг ҳисобига тўғри келади. 2002 йил декабрда “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси билан “Газпром” ўртасида “Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим” имзоланган эди. Шу келишув доирасида 2003 йил май ойидан Ўзбекистон табиий газининг экспорти бошланганди. 2004 йилнинг иккинчи ярмида кондан газ олиш қайта йўлга қўйилди, компрессор станцияларининг қурилиши ва инфратузилмани янгилаш ишлари тугалланди. Бунинг натижасида 2004 йилда 200 млн. куб метр газ қазиб олинди.

2004 йил 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси билан “Лукойл нефть компанияси”, ОАЖ ҳамда “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компаниялари таркибидаги сармоядорлар консорциуми ўртасидаги маҳсулот тақсимотида оид битим имзоланди. Битим Ўзбекистон нефт-газ тармоғига “Лукойл” томонидан бир миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини

³⁴ Ҳамкорлик чуқурлашмоқда. // «Халқ сўзи», 2004 йил, 5 октябрь.

³⁵ Гулом Мирзо. Тинчлик ва барқарорлигимизнинг муҳим омили. // «Халқ сўзи», 2006 йил, 12 май.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси кўмитаси жорий архиви. 6-варақ.

³⁷ Стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш йўлида. «Халқ сўзи», 2014 йил 11 декабрь.

кўзга тутган эди. Мамлакатимизда “Маҳсулотни тақсимлашга оид” битимга биноан, Қандим газ конларини ўзлаштириш учун “ЛУКойл-Ўзбекистан Оперейтинг Компани” операция компанияси ташкил этилди³⁸.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида электр энергияси соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Масалан, Сирдарё иссиқлик буғ-газ билан ишлайдиган электростанциянинг кўшимча 1 та электростанция блокининг ишга туширилиши 100 кмдан зиёд масофадаги Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида қурилаётган цемент заводини электр энергиясига бўлган талабни қоплайди³⁹. Шунингдек, Ангрен, Шерободда қурилаётган цемент заводлари ва бошқа мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарининг электр энергиясига бўлган талаблари ҳам ҳисобга олинмоқда.

